

Объектни Техник қўриқлаш пункти (ТҚП) орқали
қўриқлаш шартномаси.

« 21 » январь 2021 йил.

Жш / 2902_-сон

Бухоро шаҳри.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Бухоро вилоят Қўриқлаш бошқармаси номидан Низоми асосида фаолият юритувчи, бошқарма бошлиғи Ш.А.Жумаев (кейинги ўринларда «Ижрочи» деб юритилади) бир томондан, “Бухоро Мурувват ногиронлиги бўлган болалар учун Интернат уйи” раҳбари Ш.Язимова (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) иккинчи томондан, биргаликда «Томонлар» деб юритилади, мазкур Шартномани қуйидагилар хақида туздилар:

I боб. Шартнома предмети

1. Ижрочи техник куриқлаш маркази орқали, мулкларни қўриқлаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, Буюртмачи эса мазкур Шартнома шартларига асосан ўз вақтида кўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II боб. Умумий шартлари

2. Буюртмачи, Бухоро шаҳрида жойлашган “Бухоро Мурувват ногиронлиги бўлган болалар учун Интернат уйи” дорихонасини қўриқлашга тонширади, Ижрочи эса ушбу объектни 1-Алоҳида батальони 3-сон ТҚП томонидон ТҚП орқали қўриқлаш учун қабул қилади.

3. Объектни техник қўриқлаш воситалари билан жихозлаш ва таъмирлаш Буюртмачи томонидан амалга оширилади. Объектни ёнғиндан қўриқлаш ва хавф-хатар сигнализацияси билан жихозлаш чизмаси мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

4. Объектнинг техник мустаҳкамлиги тўғрисидаги, қўриқлаш ва ёнғиндан огоҳлантирувчи техник (КЁОТ) воситалари билан жихозланган жойлар, код билан маҳкамланган мосламалар ва бошқа маълумотлар мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган илова ва текширув далолатномасида кўрсатилади.

III боб. Тўловларни амалга ошириш.

5. Мазкур Шартнома асосида кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тарифларга мос ҳолда қуйидагича ҳисобланади:

А) Шартнома тузилган вақтдаги умумий баҳоси 1 573 000 (бир миллион беш юз етмиш уч минг) сўмни ташкил қилади. Қўриқлаш хизмати учун ҳисоб-китоблар, мазкур шартноманинг графиги асосида бюджетдан ёки бюджетдан ташқари ажратилган маблағлар асосида тўланади.

| 2021 йил | Январь | Февраль | Март | Апрель | Май | Июнь | Июль | Август | Сентябрь | Октябрь | Ноябрь | Декабрь |
|-----------|--------|---------|--------|--------|-----|------|------|--------|----------|---------|--------|---------|
| Жами: | 550000 | 550000 | 473000 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 1 600 452 | | | | | | | | | | | | |

6. Ижрочининг хизматлари учун тўловларга ўзгартиришлар киритиш, қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу хизматлар турига янги тарифлар тасдиқланган ҳолларда қайта кўриб чиқилади.

7. Буюртмачи кўрсатилган хизматлар учун ойлик тўловнинг 100 фоизи миқдоридagi аванс тўловини, кейинги ой бошланишидан 10 кун олдин амалга оширади.

8. Буюртмачи мазкур Шартноманинг 5-бандида кўрсатилган ойлик тўловни (аванс тўловини) ўз вақтида тўламаса, Ижрочи, Буюртмачига акцентсиз тўлов талабномасини тақдим қилишга ҳақлидир.

9. Мазкур Шартнома бекор қилинганда ҳамда ҳар ойнинг якуни билан, Ижрочи Буюртмачи билан олиб борилган тўловлар бўйича, қайта ҳисоб-китобни амалга ошириши зарур (яъни таққослаш далолатномаси тузилиши).

IV боб. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

10. «Буюртмачи» нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

А) Объектни ТҚП орқали қўриқлашга тоншириш учун, соз ҳолдаги телефон тармоғини ажратади.

- Б) «Ижрочи»га топшириладиган объектни техник мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадида, текширув далолатномаси бўйича уни меъёрий талаблар асосида жиҳозлайди.
- В) Объектни «Ижрочи»га топшириш ва қабул қилиш, калитларни сақлаш ва объектни очиб кўздан кечириш учун жавобгар шахсни тайинлайди.
- Г) Объектнинг калити йўқолганида уни бошқасига алмаштирганида ёки унинг бутлиги бузилганлигини аниқлаганида, зудлик билан «Ижрочи»га хабар беради.
- Ж) Объектни «Ижрочи» га топширишдан олдин эшик, дераза, туйнукларни маҳкамлайди, уларни доимий равишда соз ҳолда сақланишини таъминлайди.
- З) Объектдаги КЕОТ воситалари ишдан чиқганида ёки фойдаланиш муддати ўтганида уларни қайта таъмирлаш учун, ТҚПни модернизациялаштирилган қўриқлаш системасига ўтказилиши муносабати билан объектни замонавий ҚЕОТ воситалари билан алмаштириш ишларини ўз ҳисобидан амалга оширади.
- И) ҚЕОТ воситалари уланган электр ва телефон тармоқларини ўз вақтида таъмирлаш чораларини кўради.
- Й) Объектни мазкур шартномада кўрсатилган тартибда олдиндан ва ўз муддатида ТҚП кузатувиغا топширади.
- К) қўриқланаётган объект ва унинг периметрини керакли ёритиш мосламалари билан жиҳозлаб, ТҚП нарядларига тунги пайтда мумкин даражада қўринишни таъминлайди.
- Л) қўриқланадиган объектни тоифасига қараб девори, томи, деразалари ва эшикларини техник жиҳатдан мустаҳкамлигини таъминлайди.
- М) қўриқланадиган объектда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиб, ў ҳисобидан ёнғин хавфсизлиги бурчагини ташкил қилади ва объектда ёнғин хавфсизлиги бўйича жавобгар шахс тайинлайди.
- Н) Ҳар чоракда томонларнинг масъул вакиллари иштирокида объектнинг техник мустаҳкамлиги, ҚЕОТ воситалари билан жиҳозланганлигини текширилиб, далолатнома тузилади, текширув жараёнида аниқланган камчиликларни «Буюртмачи» белгиланган муддатида бартараф қилиб, «Ижрочи»га ахборот беради. Мазкур далолатнома шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.
- О) Объектни қўриқланишини такомиллаштириш, моддий-товар бойликларни сақланиши учун зарурий шарт-шароитлар яратади ва «Ижрочи»га ўзининг вазифаларини ижро этиши учун қўмаклашади.
- П) Объект худудида таъмирлаш ишлари ёки уни ижрага топшириш, объект жойини ўзгартириш (ўша маъмурий бинонинг ичида), янғисини вужудга келиши (ўша маъмурий бинонинг ичида), қўшимча ҚЕОТ воситалари билан жиҳозланиши лозим бўлган тақдирда, «Ижрочи»ни 30 кун аввал ёзма равишда огоҳлантиради.
- Р) «Ижрочи» томонидан ваколат берилмаган шахсларга, ҚЕОТ воситаларини техник кўриқдан ўтказишга руҳсат бермайди.
- С) Объектни ҳар куни ТҚПга топширишдан камида 3 соат олдин ҚЕОТ воситаларини созлигини, назорат тариқасида текширади, носозлик аниқланганда зудлик билан хизмат кўрсатадиган электр таъмирловчини чақиради ва бу борада «Ижрочи» га хабар беради.
- Т) Объектда иш вақти тугаганидан сўнг, электрмосламалар ва бошқа ёнғин ўчоқларини ёқиб қўйилишига йўл қўймайди. Лозим бўлганда, қўриқлаш учун тўсқинлик қиладиган ва уни зудлик билан бартараф қилиш иложи бўлмаган нохуш ҳолатлар мавжуд бўлса, мулкнинг сақланиши учун тўлиқ жавобгарлик ўз зиммасида қолади.

11. «Ижрочи» нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

- А) ТҚП қўриғига топшириладиган объектнинг техник мустаҳкамлигини текшириб, унинг КЕОТ воситалари билан жиҳозланишига қараб далолатнома тузади.
- Б) Объектнинг хавфсизлиги юзасидан КЕОТ воситаларини мажбурий жиҳозланиш жойини белгилайди.
- В) «Буюртмачи»га объектнинг техник мустаҳкам бўлмаган жойларига КЕОТ воситалари билан жиҳозлашни таклиф этади, бу таклиф «Буюртмачи» томонидан бажарилмаган тақдирда бу ҳақда далолатнома тузади. Ушбу далолатнома шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.
- Г) Объектни «Буюртмачи» ҳисобидан КЕОТ воситалари билан тўлиқ жиҳозлайди, унинг ишлашини Буюртмачига ўргатади, телефон алоқаси орқали пультага улайди ва керакли бўлган пулт маълумотини такдим этади.
- Д) Ўрнатилган тартибда объектни қўриққа олишда ўрнатилган тартибда ТҚП га уланиши ҳамда ўз вақтида ТХГ нарядини ташвиш хабари бўйича етиб боришини таъминлайди.
- Е) Объект қўриқда бўлган вақтда объектга кирган шахснинг қўлга олиш чорасини кўради.

Ж) Ҳар бир тушган сохта ташвиш хабари буйича далолатнома тузади, лозим бўлганда «Буюртмачи»ни чақириб объектни очиб кўриқдан ўтказади ва бу ҳақда далолатнома тузади, унинг бир нусхасини «Буюртмачи»га беради.

З) кўриқлаш хизмати учун олинадиган тарифлар ўзгарганида «Буюртмачи»ни хабардор қилади.

И) Мазкур шартномани тўхтатиш ёки бир томонлама бекор қилиниши қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- «Буюртмачи» 2 ойдан ошиқ «кўриқлаш» хизмати учун тўловларни тўламаганлиги;

- ҳар қандай техник носозликлар, телефон рақами ўзгарганда, телефон ўчирилганда, ТҚП жойи ўзгариб кўчирилганда;

- «Буюртмачи» томонидан шартнома 10-банди шартлари бажарилмаганда;

- объектнинг техник мустаҳкамлиги талабга жавоб бермаганда;

- Телефон ўчирилганда ёки носоз бўлган ҳолда, электр манбаи ўчирилганда, ТҚП жойи ўзгарганда, объект кўриққа қабул қилинмайди, зудлик билан бу тўғрисида «Буюртмачи»ни ёзма ёки телефон орқали хабардор этади.

V боб. Томонларнинг жавобгарлиги.

12. Мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган сумманинг **Буюртмачи** томонидан ўз вақтида тўланмаганлиги ҳолатида **Буюртмачи Ижрочига** ҳар бир кечиктирилган кун учун тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг миқдори Шартнома баҳосининг 50 фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

13. **Ижрочининг** ходими постда турмаганлиги учун **Ижрочи Буюртмачига** бир кунлик кўриқлаш хизмати нархининг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

14. **Ижрочи** мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида **Буюртмачига** етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади. Зарарни қайтариш учун, тергов ёки суд идораларининг ушбу ҳолатлари юзасидан чиқарилган қарорлари асос бўлади.

15. қуйидаги ҳолатларда етказилган моддий-зарарлар учун «кўриқлаш» жавобгар ҳисобланмайди:

а) табиий офатлар оқибатида келтирилган мулкий зарарлар учун;

б) ўғрилик ёки босқинчилик йўли билан амалга оширилган ҳаракатларда пул ўғирланиши, кўриқланаётган хоналарда Буюртмачи қолдирмаслиги керак бўлган, белгиланган суммадан ошиб кетувчи пул воситалари қолдирилиб кетганида, ҳамда пул воситалари полда ўрнатилган сейф ёки металл жовонда сақланмаган ҳолларда кўриланган ҳолларда;

в) Хўжалик органини ишчиларининг шахсий мулки кўриқланаётган хонада қолиб кетганида;

г) жиноятчи томонидан кўриқланаётган хона ичида келтирилган зарар учун, агарда бунда жиноятчи ушбу хонага уни ёпилишидан олдин кирган бўлса ва хонани кўриқланмайдиган вақтда тарк этган бўлса;

д) пул бойликларни белгиланган жойда сақланмаган ҳолатларда уларни уғирлаш ёки тажовуз содир бўлганда,

е) «Буюртмачи» томонидан сигнализация воситалари белгиланган вақтда ишга туширилмаганлиги, объектни кўриқлашга топширилмаганлиги, ёки сигнали-зациянинг носозлиги ҳақида «кўриқлаш»га хабар берилмаганлиги натижасида ўғирлаш, босқинчилик ёки тажовуз йўли билан товар-моддий бойликларга зиён етказилганда,

ё) икки томонлама тузилган далолатномада кўриқланаётган объектни техник мустаҳкамлигини ошириш бўйича талаблар бажарилмаслиги натижасида, товар-моддий бойликларни ўғирланишига шароит яратилганда.

VI боб. Низоларни ҳал қилиш тартиби.

16. Мазкур Шартномани тузиш, ижро этиш, ўзгартириш ва бекор қилишда вужудга келадиган низолар, келишмовчилик ва тортишувлар икки томонлама келишувлар йўли билан ҳал этилади, агарда ўзаро келишувлар йўли билан улар ҳал этилмаса, ўрнатилган тартибда Бухоро вилоят хўжалик судига берилади.

VII-боб. Форс-мажор.

17. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, энгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод қилинади.

18. Энгиб бўлмайдиган куч ҳолатига ҳавола қилувчи Томон бошқа Томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки кун ичида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Ушбу муддат ичида хабар бермаган Томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас.

19. Форс-мажор ҳолатларига сув тошқинлари, ер кимираши ва бошқа табиий ҳалокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнғинлар, портлашлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган қарорлари киради.

20. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечиктирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса Томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

VIII боб. Яқуний қондалар.

21. Мазкур Шартнома **Буюртмачи** томонидан текшириш далолатномасида кўзда тутилган барча тақлифлар ва тавсиялар бажарилиб, томонлар имзоланган кейин **2022 йилнинг 01 январ кунидан** кучга киради. Мазкур шартноманинг амал қилиш муддати **бир йил**.

22. Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилганда ҳамда **Буюртмачи** ва **Ижрочининг** вакиллари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқийдир.

23. **Буюртмачи** объектни кўриқлашни рад қилиш ёки мазкур Шартномани бекор қилиш (**бир йил** муддат тўлик ўтгандан сўнг) тўғрисида **Ижрочига бир ой** олдин ёзма равишда маълум қилади.

24. **Буюртмачи** мазкур Шартномани бекор қилиш ҳақида **Ижрочига** Шартнома муддати тугашидан **30 кун** олдин маълум қилмаса, худди шу шартларда мазкур шартнома муддати яна бир йилга узайтирилган ҳисобланади.

25. **Буюртмачи** шартномани муддати тугашидан олдин воз кечса, **Буюртмачи** уч кун муддат ичида кўриқлаш хизматларини бекор қилишга боғлиқ харажатларни қоплаш учун “кўриқлаш”нинг ҳисоб рақамига маблағ ўтказади.

26. Объектнинг хусусиятидан келиб чиқиб **Томонлар** мазкур Шартномага, қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи қўшимча бандлар киритишлари мумкин.

IX-боб. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари.

«И Ж Р О Ч И»

Ўзбекистон Республикаси Миллий
Гвардияси Бухоро вилояти Кўриқлаш
бошқарма.

Манзили: Бухоро шаҳри М.Иқбол кўчаси 10-уй
Ҳ.Р. 21596000203976980001

МФО: 00017 ИНН: 202623032

Банк номи: Марказий банк Бухоро вилояти
бошқарма

Бошқарма бошлиғи

Ш.А.Жумаев

Хиз. Тел: 221-30-10; 221-30-11

Бошқарма МИБ бошлиғи

Н.Саъдуллаев

Бошқарма ЮГ бош юрисконсулти

М.У.Сувонов

«Б У Ю Р Т М А Ч И»

Бухоро Мурувват ногиронлиги бўлган
болалар учун Интернат уйи

Манзили: Бухоро шаҳар

Ҳ.Р: 100021860064017/01205054001

МФО: 00014

ИНН: 201512037

Банк номи: Марказий Банк

Бухоро Мурувват ногиронлиги бўлган
болалар учун Интернат уйи

раҳбари

О.Олтиев

Бош ҳисобчи:

Ҳуқуқшунос: